

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
 1 июлдан  
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 22 (11.833)

Баҳоси эркин нарҳда

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

#### Ислоҳотлар оқимида

### ХОНАДОНЛАРГА КЎРКАМЛИК БАҒИШЛАЙДИ

Британиялик ҳамкорлар билан шерикликда фаолияти йўлга қўйилган «Art Plast» кўшма корхонасида замонавий маҳсулот — ойна ромлари ва эшиклар учун пластик профиллар тайёрланади. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, тўрт камерали мазкур ПВХ профиллари харидор дидига тўла жавоб бериши билан ажралиб туради. Энг муҳими, улар узок йил хизмат қилади, ўз кўринишини йўқотмайди, бино ва хонадонларга кўрк, иссиқлик бағишлайди, чанг-ғубор, шовқин ўтказмайди.

— Албатта, импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлашда Жанубий Корея, Туркия, Бельгия, Германиядан келтирилган янги технологиклар кўл келаятган бўлса, — дейди менежер Ҳамидулла Содиқов, — шунинг баробарида уни бошқарадиган кадрлар малакаси ҳам муҳим ўрин тутди. Шу боис ҳам кадрлар малакасини ошириш доимий эътиборимизда. Иккита асосий ишлаб чиқариш цехимиз мавжуд бўлиб, 50 нафар ишчи-хизматчилари-

Маҳсулот сифати ҳамда рақобатбардорлиги доимий назоратга олинган корхонада буюртмалар шунга кўра кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бораверади. Бунинг учун эса албатта бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда изланиш, хорижий технологик линиялар қувватини самарали йўналтириш лозим.



— Моҳир дизайнерлар ҳар бир буюртма устида маҳорат билан изланишади, янгиликлар яратишади. Жорий йилда гигиеник, экологик мувофиқлик сертификатига эга корхона маҳсулотларидан Юнусобод, Бектемир, Яққасарой, Ҳамза туманларида ёш оилалар учун бунёд этилган турар жой биноларида кенг қўлланилди. Эндиликда эса қишлоқларда қад рўстлаётган замонавий уй-жойлар қурилишига ҳам буюртма асосида маҳсулот етказиб берилмоқда. Бекобод, Қуйи Чирчиқ туманларида қад рўстлаган уйлар ана шулар жумласидандир.

Экспорт ҳажмини ҳам оширишни эзгу мақсад қилган тадбиркорлар Қозоғистонга ўз товарларини сотишмоқда. Келгусида хорижий харидорлар давом этказади. Бунинг учун саёй-ҳаракатлар давом этмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

### ОДИЛ СУДЛОВ ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омиллари экани алоҳида таъкидланди.

Юртимизда бу борадаги вазифарлар ижросини таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга ошириляптир.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳузуридаги Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари бўйича мувофиқлаштириш кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида шулар ҳақида гап борди. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масалаларига бағишланган ушбу тадбир Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А. Саидов, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова ва бошқалар юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар кўнун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгартирилган концепция нафақат халқимиз, балки хориждаги ижтимоий-сиёсий ва экспертлар доиралари, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Юртимизда суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш бўйича самарали ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республи-

каси Президенти ҳузурида Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси изчил фаолият юритаптир.

Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд жараёнида прокурор ва адвокатнинг тенглигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда.

Йиғилишда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Иштван Венцель инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳар бир мамлакат тараққиёти ва барқарорлигида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Президент Ислам Каримовнинг суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш борасида белгилаб берган вазифарлари инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, олимлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган йиғилишда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини суд ва суддан ташқари ҳимоя қилиш тизимининг ўзаро муносабати, судьялик лавозимларига кадрларни танлаш ва суд тизими фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш, судьялар малакасини ошириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**  
 ЎЗА мухбири

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида экологик қонунчиликни янада такомиллаштириш, қабул қилинган қонунлар ижроси юзасидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

### ЭКОЛОГИЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг ўтган йилдаги фаолияти яқунларига бағишланган анжуманда бу борадаги устувор вазифалар ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлар ижроси юзасидан қилинадиган ишлар муҳима этилди. Унда депутатлар, мутахассислар, тегишли давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи раҳбари Б. Алиҳонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида минтақавий ва глобал миқёсдаги экологик муаммоларнинг салбий таъсирини камайтириш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга ошириляётганини таъкидлади. Бу Экоҳаракат аъзолари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкляди.

Ўтган даврда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи иштирокида иккита қўнун лойиҳаси ишлаб чиқилди, ўндан зийб қўнун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилди. Қўнунларнинг жойлардаги ижросини ўрғаниш, давлат, жамоат ва халқаро ташкилотларнинг экологик муаммолар таъсирини юмшатишдаги ҳамкорлигини кенгайтириш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларида аҳоли иштирокини кучайтириш мақсадида 2010 йилда жойларда мунтазам равишда назорат-таҳлил тадбирлари, парламент эшитиш ва турли анжуманлар ўтказилди.

Анжуманда Экоҳаракат депутатларининг қонунчиликни ривожлантириш борасидаги ишлари, экологик таълим самарадорлигини ошириш бўйича депутатлик назорати, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигидаги лойиҳалар ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бераётган самаралар хусусида сўз юритилди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
 ЎЗА мухбири

### Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

### ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Кўни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Айтиб ўтиш лозимки, транспорт хизматини такомиллаштириш борасида хавфсизлик масаласи алоҳида ўрин тутди. Ушбу йўналишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфида доимий комиссия фаолият юритади. Йўловчи ташиш тизимида фуқаролар хавфсиз-

лигини таъминлаш масаласи Кенгаш сессияси кун тартибидан қўриб чиқилган бежиз эмас: инсон ҳаёти билан боғлиқ ушбу масала ҳар доим долзарбдир.

Маълумки, бугунги кунда транспорт мақоми шунчаки ҳаракат воситаси сифатида белгиланмайди. Айни пайт-

да бу восита турмушимизнинг кундалик заруриятига айланиб қолган десак, муносабат бўлмайтир. Қолаверса, меҳнат фаолиятимизни, оила бюджетини режалаштиришда ҳам транспорт алоҳида ўрин тутиши сир эмас.

**(Давоми 2-бетда)**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фаргона политехника институтида Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• Хоразм вилоятининг Урганч туманида «Урганч гўшт» масъулияти чекланган жамиятида гўшти консервацияга мўлжалланган янги технологик ускуна ишга туширилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 300 миллион сўм сарфланди. Туманда ўтган йили 17,6 миллиард сўмликдан ортиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор ишбилармонларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилди.

• Андижон туманининг Олтинқўл туманидаги хонадонларга хорижда ишлаб чиқарилган «Энергия 9 СТК-1» русумли замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатилди. Мазкур қурилманинг турдошларидан афзаллиги шундаки, у тармоққа улангандан кейин мижозга махсус пластик карточка берилади. Шундан сўнг тўловлар ҳисоблагич хотирасига киритилади. Ҳисоблагич айни бир пайтда терминал вазифасини ҳам бажаради.

• Паркент туманида замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, барча шарт-шароитга эга спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мазкур мажмуа тумандаги «Раҳимжон» фермер ҳўжалигининг ҳомийлик ёрдамида қуриб битказилди.

• Юқоричирчиқ туманидаги Бордонқўл қишлоғида замонавий технологиялар билан жиҳозланган янги корхона иш бошлади ва 40 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Корхонадан соатига 14 минг донадан ортиқ қадоқланган хуштаъм ичимликлар ишлаб чиқарилади.

• Данғара туманидаги «Зилол» фермер ҳўжалиги раҳбари Муроджон Мамадалиев саёй-ҳаракати билан сутни қайта ишлайдиган янги технологик линия ишга туширилди. Ҳозир бу ерда кўнига бир тонна сут қайта ишланиб, аҳоли дастурхонига 10 турдаги маҳсулот етказиб берилмоқда.

### ЖАҲОНДА

• Жанубий Суданда ўтказилган референдумда аҳолининг 99 фоизи мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқиш учун овоз берди. Референдум БМТ шафеълигида ўтказилди. Кузатувчилар мазкур жараён эркин ва адолатли ўтганини таъкидлади.

• Австралиянинг Квинсленд штатини «Энтони» тропик бўрони чулга олди. Соатига 150 км тезликда эсаётган тўфон ўзи билан кучли жала олиб келди. Қўнун уйларнинг томини учуриб юбормоқда, дарахтлар илдизи билан кўпорилаетир. Маҳаллий аҳоли электр қувватисиз қолди.

• Кучли қор бўрони туфайли Япония пойтахтини гарбий вилоятлар билан боғловчи темир йўлда ҳаракат тўхтатилди. Натijaда йигирма мингга яқин йўловчи тунни вокзалларда ўтказишга мажбур бўлди.

• Колумбия денгиз кучлари Тинч океанида Шимолий Америкага йўл олган қароқчилар кемасини қўлга олди. Кема бортида бир тоннадан ортиқ қорадори (кокаин) бўлган.

• Сомали қароқчилари асир олган «MV Beluga Nomination» немис юк кемаси экипажи тақдирини ҳамон бирёқли бўлгани йўқ. Украиналик ва филиппинлик икки нафар денгизчи қароқчилар ҳужуми вақтида қутқарув қайиғида қочиб улгурган. Улар 390 мил масофани денгизда сузиб ўтиб, кўни кеча қирғоққа етиб келди. Қароқчиликка қарши операция ўтказилган халқаро денгиз кучлари зобитлари бу ҳақда Украина ва Филиппин ташқи ишлар вазирлигига хабар қилган.

### ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокими Иброҳимовнинг ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент темирйўл муҳандислари институтида «Сўз ва соз сехри» мавзусида таниқли шоир ва хонандалар иштирокида ижодий кеча ташкил этилди.

✓ **Г. ПЛЕХАНОВ** номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тош-

кент филиалида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишлаб тайёр маҳсулотлар рекламаси ташкил этиш мавзусида тўртинчи босқич талабалари ўртасида ишбилармонлик ўйини ўтказилди.

✓ **МИРОБОД** туманидаги 110-мактабда бешинчи-саккизинчи синф ўқувчилари ўртасида билим сифатини белгилаш бўйича синов танловининг туман миқёсида иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратилгани соҳа тараққиётида муҳим омил бўлмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорларни тегишли қонунчилик мазмун-моҳияти ва ундаги янгиликлар билан яқиндан таништириш мақсадида «Очiq эшиклар куни» ташкил этилаётир.

БИЗНЕС ФАОЛИЯТ — ҚОНУН КАФОЛАТИДА

Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигида ташкил этилди. Унда адлия идораларининг масъул ходимлари ва туманда фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркин фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароитлар, ҳуқуқий имкониятларни яратиш Президентимиз Ислон Қаримов раҳнамоллигида юритилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Бу борадаги ишлар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янги босқичга кўтарилмоқда.

Адлия идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2010 йил давомида адлия органларига тадбиркорлардан 1,5 мингдан зиёд шикоятлар келиб тушган бўлса, уларнинг аксарияти тадбиркорлик субъектлари фойдасига ижобий ҳал этилди.

Тадбирда мутахассислар соҳага оид янги қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида тадбиркорларга батафсил маълумот беришди.

(ЎЗА)

2010 йил 14 декабрда кунга кирган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартириш қилиниши ҳақида»ги Қонуннинг асосий мақсади айнан таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаол йўналиштига, кўлаб-қувватлашдан иборатдир. Шу ўринда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиб боришида кичик ва хусусий бизнеснинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Кичик бизнеснинг илҳам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қўлай ва мақбул воситага айлантиради».

Маълумотларга қараганда, ривожланган давлатлар, хусусан, Германия, Финляндия, Норвегия, Швецияда мавжуд иш ўринларининг қарийб 70 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўри келаётганлиги ушбу соҳани тараққий эттиришда унинг катта ролни ўйнашини кўрсатади. Қолаверса, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50 фоиздан ортиқчи ташкил этаётганлиги иқтисодиётнинг жадал сурьатлар билан ўсишига имконият яратмоқда. Хитой, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа мамлакатларда ҳам кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрни тобора ортиб бораётганига ғувоҳ бўлиш мумкин. Хитойда экспорт ҳажмининг қарийб 60 фоизи кичик бизнес вакиллари ҳиссасига тўри келаётганлиги эса ушбу давлат жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутаётганлигидан далolat беради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида кичик ва хусусий бизнесга кенг имкониятлар очиб берилди, уларнинг фаолият юритиши учун қонунчилик тизими яратилиб, такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонулар бу борада қонун ижодкорлик фаолиятининг жадал ривожланаётганлигидан далolat беради.

Тадбиркорларга солиққа тортиш, валюта ва кредитлар ажратишда қўлаб-қувватлаш ва преференциялар берилган. Статистик маълумотларга кўра, 1996-2010 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 7 фоизгача, яъни 5,4 марта қисқарган. Солиқ кодексида мувофиқ микрофирма ва кичик корхоналар бир қанча умумбелгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўрнига ягона солиқ тўловини тўлаш имконини берувчи соддалаштирилган тартибни танлаш ҳуқуқига эгадир. Бундан ташқари, молия, солиқ ва статистик ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари, бошқа ҳужжатлар юритувчи субъектлардан фарқли равишда ҳар ойда эмас, балки чоракда бир марта қилиб белгиланган.

Боз устига, агар мустақилликнинг дастлабки йилларида кичик бизнес субъектлари ҳиссасига республика ялпи ички маҳсулотининг атиги 1,5 фоизи, 2000 йилда 31 фоизи тўғри келган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 50 фоиздан ошиб кетди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатимизда янгидан яратилган 785 мингдан зиёд иш ўринларининг 500 минг-

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу фаолиятга айниқса, ёшларни кенг жалб қилишда ташкилий-ҳуқуқий асослар такомиллаштирилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади.

ЁШЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ФАОЛ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

дан кўпроқ қисми кичик бизнес соҳасида ташкил этилди. Айни пайтда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 74 фоиздан ортиги ушбу соҳага тўри келмоқда.

Бундай натижа, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий равишда қўлаб-қувватланаётгани самарасидир.

Ёшларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шарт-шароитни яратиш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда. Айниқса мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан қасб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тuzилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 20 фoиз оширилган ҳолларда, кичик субъектлар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқларнинг сақланиб қолганини белгиланган. Бунда ходимлар сонининг оширилишига қасб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни яқунлаган кунидан бошлаб ун йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 3-бандига мувофиқ кичик корхона касаначилик билан шугулланаётган фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган меъёридан кўпи билан 30 фoиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тuzилганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар ҳам сақлаб қолинади.

Айтиб ўтиш жоизки, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси, бешинчи қисмига биноан субъект ходимлар сонини ошириб юборган тақдирда, шу давр учун ва кейинги уч ойга қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча имтиёзлардан маҳрум этилади. Қонунга киритилган ушбу ўзгаришлар Халқаро меҳнат ташкилоти бош конференциясининг 83-сессияси (Женева, 1996 йил 20 июнь)да қабул қилинган Касаначилик тўғрисидаги конвенция талабларига ҳам мос келади.

Қонунчилигимиздаги янгиликлар ўрта махсус ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишини рағбатлантириш борамига-

да уларни иш билан таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладди. Ўз навбатида, қўшимча иш ўринлари ташкил этилади ва шу тарихда кичик корхоналар қўлаб-қувватланиб, уларнинг янада ривож топишига асос яратилади.

Бизга маълумки, ҳар қандай фаолият илм-фан ютуқларига таяниб амалга оширилсагина, кутилган натижани бериши мумкин. Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишнинг меъёрий-ҳуқуқий негизи такомиллаштирилмоқда. Шу билан бир қаторда оилавий, ёшлар ва аёллар тадбиркорлиги фаолиятини ривожлантириш миллий-ҳуқуқий тизимида, қолаверса, тадбиркорлик ҳуқуқининг бу борадаги истиқболли йўналишларини белгилашни ҳамда қонун ижодкорлик фаолиятининг самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик фаолиятининг унинг субъект таркиби жиҳатини ривожлантириш, яъни оила, ёшлар, таълим муассасалари битирувчилари ва х. к. қонун ижодкорлик фаолиятида янги-ча ёндошувлар ишлаб чиқилиши лозим. Тадбиркорликнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ёшларни жалб этиш асосида оилавий тадбиркорликни алоҳида шакл сифатида ривожлантириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишини таъминлаш борабариде уларга тегишли имтиёз ва преференциялар бериш ҳам назарда тутилиши керак. Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил қилишини инобатга олсак, бизнес фаолиятига жалб этишининг рағбатлантирувчи механизмлари уларни иш билан банд этишда энг тўғри ва оқилона йўл бўлади. Биринчи гада ёшларни тадбиркорликка жалб этмасдан, иш ўринлари билан таъминламасдан демократик тараққиётга эришиб бўлмаслигини оддий ҳақиқат сифатида барчамиз теран мушоҳада этишимиз, бу борада масъул еканлигимизни англашимиз зарур.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шaroитида тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан қўлаб-қувватлашга эришилаётганлиги, хусусий мулкдорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси таъминланаётганлиги, жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш борабариде ёшлар, айниқса таълим муассасалари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши учун барча шарoит ва кафолатлар яратилаётганлиги мустақил демократик тараққиётга эришишнинг муҳим гарови бўлиб ҳисобланади.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ, юридик фанлари доктори, профессор

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳар биримиз оила ташқарисида кўпроқ ўтказамиз. Иш, ўқиш, бошқа юмушларни лoжа ошириш жараёнида транспорт хизмат фойдаланган ҳолда йўловчига айланамий-нан шу нуқтаи назардан хавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундай масъулиятли вазифа – йўлсиз ўз манзилига етказиш баробарида автoкат давoмида унинг хавфсизлигига жаар бўлиш транспортчилар, хусусан, «Тоштрoнсхизмат» тизимида фаолият юритан мутасаддилар зиммасига юклатилган.

Йўловчилар хавфсизлигини таъминда қандай мезонлар асос қилиб олинган, итда бу мезонлар ўз тасдиғини қай дағда топмоқда, жамоат транспортда хат кўрсатиш сифатини янада ошириш бoда қандай масалалар долзарб бўлиб қолр? Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдағcсиясида айнан шу масалалар кўриб чици. Депутатлар эътиборига бу борада «Тоштрoнсхизмат» уюшмаси тизимида амалга-риллаётган ишлар ҳақида батафсил ахот хавола этилди.

Тошкент шаҳар ҳoқими ўринбoсари, шoшаҳартрoнсхизмат» уюшмаси раиси Шоод Мухoмеджoнов ахборот беришича, пойгимизда ҳар кун 1,8 миллионга яқин кикoмаат транспортдан фойдаланади. 1,5 нгдан зиёд автобус, 120 та трамвай, шундeк метрoнинг 29 та станцияси бўйлаб 1қан зиёд йўналишда транспорт хизмати кўгиллади. Бундан ташқари, 25 та йўналиш ыча маршрут таксилари ҳам жалб этилган.

Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари юoат трoнспoрти томонидан таклиф этилган бундай кўлами кенг хизматлардан қаланганда, шубҳасиз, қимматли вақтисeзиларда иқтисод қиладди, бадастр шитларда пойтахтнинг у чеккасида бошкекасига қадар манзили яқин бўлади, эмуҳими – автоҳаракат давoмида хавфсиги таъминланшица, кафолат борлигига бҳа қилмайди.

Шу мақсадларда кейинги йиллар даида пойтахт жамоат трoнспoрти тизимида сoқли ишлар амалга оширилди. Автоў ва электр транспорт таркиби тўлиқ янғиди. Барча автошoкeабeкaтлар халқарo мезонда-ражасида ҳоҳта бундэ этилди.

Йўловчилар учун метро энг қулай нcпoрт воситаси бўлиб қoлmoқда. Ҳар к ер oсти трoнспoртидан ўрта ҳисoбда 2250 мингдан зиёд йўловчи фойдаланади. дай кўрсаткич, албатта, биринчи гада мат кўрсатиш даражаси юқoрилигидан яққдoлатдир.

Бозор иқтисодиёти шарoитида траoрт бoзoрида мукoбил хизмат – хусусий йвчи ташиш хизмати ташкил этилган ҳам тий ҳoлдир. Маршрут таксилари ўз вазини уддаламоқда дейиш мумкин.

Депутатлар томонидан жамоат трoнрти тизимида амалга оширилаётган бундайй-ҳаракатлар қўлаб-қувватлангани да, йўловчи ташиш трoнспoртида хизматс-атиш маданиятини ошириш, ҳаракат жалига риoя этиш, бeкат мажмуаларидан идoланиш тизимини тартибга келтириш, юoат трoнспoрти ва маршрут таксилари тўхтойларини икки томон – йўловчи ва ҳввчи манфаатидан келиб чиқиб, мувофиқлариш юзасидан тавсиялар ҳам берилди.

Сессияда бу борада экология мааси диққат-эътиборда бўлиши лoзимлиги ҳaлoҳида таъкидланди. Пойтахтмизда кунинг трoнспoрт воситаларидан фойдаланулар сoни ортиб бoрmoқда. Шуни инобатгаган ҳoлда, транспорт воситаларида техникёёр ва қoидaларга риoя этиш масаласи дарбoлигича қoлmoқда.

Албатта, атроф-муҳитнинг барқариги таъминланишида яшил ҳудудлар кўини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадирeпyтaтлар бунга урғу берган ҳoлда, Обoлаштириш бош бошқармаси ва шаҳар баба уюшмалари кенгашининг ҳар бир соҳакoли томонидан 20 тадан манзарали рахт экиш ташаббусини қўлаб-қувватлаш Шу билан бирга ушбу ташаббус жойлардe маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув юарида кенг қулоч ёйиши, албатта, пойтахтeпyтaтлари томонидан ҳам илгару сурилди хусусида таклиф ўртага ташланди. Тақдла ўтилганидек, шаҳримиз яшил камарнада кенгайиши мустақиллигимизнинг йрма йиллигига ўзига хос байрам тўғриси ади.

Сессия кун тартибиде халқ депyлари Тошкент шаҳар Кенгашининг регламе-доимий комиссиялари тўғрисидаги низнинг янги тахрирлари ҳам кўриб чиқилди тасдиқланди.

Ильмира ЗАЙНУДОВА

ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИХА

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмита раислари ва депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари, «Камолот» ЕИҲ фаол етакчилари ҳамда «Камалак» сардорлари иштирок этди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари билан ҳамкорликда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрдаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда «Келажақ тараққиётнинг кафолати» шiori остида янги лoйиҳа ишлаб чиқилган эди. Мазкур лoйиҳа доирасида 2010 йил 28 декабрдан жорий йил 20 январига қадар мамлакатимизнинг барча худудларида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди.

Мазкур йиғилиш лoйиҳанинг илк бoсқичини яқунлаш, тарғибот самарадорлигини сарҳисоб қилиш, ёшларнинг назарий билимларини янада кучайтириш ҳамда фаол иштирок этган йигит-қизларни рағбатлантиришга бағишланди.

Давра суҳбатида ушбу Концепция мамла-

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат кенгашлари томонидан амалга оширилган ишлар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

катимизнинг мустақил йилларида барча жабҳаларда кўлга киритган ютуқларининг мустаҳкам пойдеворида асосланган ҳолда ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш, ахборот соҳаси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, иқтисодиётни либераллаштириш каби олтинта устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Лoйиҳа доирасида 637 та маҳалла, мактаб, академик лицей ва қасб-хунар коллежларида давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилди. Концепциянинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишда университетнинг педагогик жамоаси ҳамда ҳаракатнинг худудий бўлиmlари кенгашлари томонидан чoра-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Мазкур тадбирларга 55 мингга яқин аҳоли вакиллари, хусусан кўпгина ёшлар жалб қилинганлиги айниқса аҳамиятлидир.

Тадбирда концепция юзасидан амалга оширилаётган ишларни давoм эттириш мақсадида Марказий кенгаш ва унинг жойлардаги бўлиmlари томонидан олий ўқув юрти талабалари учун 2011 йилнинг иш режаси ишлаб чиқилди.

Азима ҚИЁСОВА, «Туркистон-пресс»



Қозим Улмасов олган сурат

Малакали мутахассислар бўлиб етишишда назарий билимларнинг амалиёт билан уйғунлашиши муҳим аҳамиятга эга.

ТАЛАБАЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан Тошкент кимё-технология институтида «Нуроний» жамғармаси, «Хадра» маҳалласи фуқаролар йиғини ҳамкорлигида «Ёшлар маънавиятини шакллантиришда тадбиркорларнинг роли» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши раиси, академик Саидхoрoр Фуломов, «Нуроний» жамғармаси мутахассиси Хoсият Якубова, Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси раиси Насиба Мирoдилoвa тадбиркорликка оид мазмунли маърузалари билан ёшларнинг эътиборини жалб этди.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон-Қирғизистон» дўстлик жамияти аъзoси, амалий санъат устаси Р.Жуманиёзовнинг ижод намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

Муқима АБДУЛЛАЕВА

Анжуманлар

ЮРТ ТИНЧЛИГИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Хозирги кунда ҳар бир инсон республикамизда ва унинг ташқарисидан содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни чуқур ўрганибгина қолмай, уларни таҳлил қилиб, ўзига тегишли ҳулосалар чиқариши, ўз фикр-мулоҳазаларига эга бўлиши лозимлигини давр тақозо этмоқда.

Бу борада жойларда кўпмаърифий тадбирлар ўтказилаётгани алоҳида аҳамиятга эгадир. Тошкент Ахборот технологиялари университетида БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги давлатимиз раҳбарининг маърузаси мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар томонидан таъкидланганидек, ушбу маърузада кўтарилган масалаларнинг долзарбли-

ги бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Ахборот бериб ўтилганидек, айнан Ўзбекистон ташаббуси билан Афғонистонда тинчлик ўрнатиш мақсадида «6+2» гуруҳи ташкил этилган эди. Эндиликда юртимиз томонидан «6+2» гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш гоёси илгари сурилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари Олимжон Саров ва Жаҳонгир Бобоев талабаларнинг

мавзу юзасидан берган саволларига тўлиқ жавоб беришди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар орқали бугунги кун ёшларининг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий масалаларда фаол эканлигини кўрсатишди. Улар тадбирнинг ниятида жонли, баҳс-мунозаралар билан ўтишига ҳисса қўшишди, тадбир доирасида ёшларнинг долзарб мавзулардаги саҳна чиқишлари иштирокчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Шоира МУХАМЕДОВА

Яна бир йил ортида қолди. Йил якунида хайрли ва савобли ишларимизнинг сарҳисоби қилинар экан, халқимиз фаровонлигига ҳукуратимизнинг эътибори нақадар катталигини ҳис этамиз. Зеро, ҳаётимизнинг фаровонлиги, аҳолининг осойишта ва тинч-тотув яшаши, маҳаллаларда ижтимоий барқарорликни таъминлаш энг эзгу мақсадлар сирасига кириди.

Жамғармалар фаолиятдан

ЁШЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

«Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан 2010 йилда ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган, кам таъминланган оилаларнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш учун самарали ишлар қилинди. Жумладан, аҳоли соғлигини тиклаш учун 1,3 мингдан зиёд фуқарога 16,6 миллион сўм, бахтсиз тасодиф сабабли уйи ёнган 61 нафар фуқарога 10,6 миллион сўм, кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказиш учун 127,8 миллион сўм, 5 нафар ногирон талабаларнинг ўқув шартномаларига 2,3 миллион сўм маблағ ажратилди. 28,3 минг кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга 90,5 миллион сўм моддий ёрдам берилди. Меҳрибонлик, Муруват, Саховат уйларида тарбияланаётган болажонларга янги йил байрами муносабати билан 9,5 миллион сўмлик кўмак кўрсатилди.

«Баркамол авлод йили»да жамғарма томонидан маҳаллаларда спорт мусобақаларининг ўтказилиши учун олти миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди. Ташкил этилаётган анъанавий «Футболимиз келажиги» «Маҳалламиз паҳлавонлари» каби спорт мусобақалари маҳаллаларимизда ёшларнинг ёзги таътил вақти унумли ва сермазмун ўтиши ҳамда фарзандларимизнинг сало-

матлиги ва абжирлиги, жисмонан етук инсонлар бўлиб вояга етиши, турли оқимларга, миссионерлик гуруҳларига адашиб кириб кетмаслигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга аҳоли, ёшлар орасида ҳуқуқий, тиббий савод-хонлиқни ошириш бўйича мунтазам равишда танловлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилиш, аҳолига Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни, мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида маҳаллалараро кўрик-танловлар ўтказилди. «Йилнинг энг намунали маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловида ғолиб бўлган Юнусобод тумани «Оқтепа» МФЙнинг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Г. Каримова, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган «Маҳалламиз тарихини ўрганаман» кўрик-танловининг Республика босқичида 2-ўринни эгаллаган Учтепа тумани Ю.Сақокий МФЙ жамоаси муносиб тақдирланди.

Раиса АБДУЛЛАЕВА, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими мутахассиси



Таълим

БИЛИМЛАР СИНОВИ ВА МОНИТОРИНГ

Юртимизда иқтидорли ёшларимизга зарур шарт-шароитлар яратилган. Улар ҳамма жабҳаларда ўз билим ва қобилиятини намоён этиб келмоқда.

Яқинда пойтахтимизнинг барча туманларида билимлар синови ўтказилди. Жумладан, Юнусобод туманидаги 240 ва 246-мактабларда ҳам синовлар уюшқоқлик билан ташкил этилиб, уларда 1300га яқин ўқувчи иштирок этди.

Ҳайбат аззолари она тили ва адабиёт, чет тили, тарих, математика, информатика, физика, кимё, биология ва география фанларидан ўқувчиларнинг билимини баҳолаб, учин-

чи босқич ғолибларини аниқлашди. Туман халқ таълими бўлими томонидан ўтказилган мониторинг натижалари бўйича ўқитувчиларга ойлик устамалари белгиланиши, ғолиб ўқувчилар учун ёзги оромгоҳларда дам олишни ташкил этиш белгиланди. Синов иштирокчилари бештадан саволга ёзма тарзда жавоб ёзиб, билимлари қай даражада эканини аниқлаб олишди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Хамза тумани СИБ томонидан 15.09.2010 йилдаги 1-2638/10 сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Миробод тумани, Алимбекова кўчасида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 113,83 кв.м, яшаш майдони 75,89 кв.м бўлган 8-уй, 14-хонадон (квартира) қўйилмоқда, бош. нархи – 68 000 000 сўм. Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 17.01.2011 йилдаги 1021/6455 сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Сергели тумани, О.Водний кўчаси, 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган умумий ер майдони 19992 кв.м бўлган МЧЖ «Тошкент гўшт» корхонасига қарашли база бино ва иншоотлари қўйилмоқда, бош. нархи – 798 615 000 сўм. Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 02.12.2010 йилдаги 1019/17487 сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Сергели тумани, Спутник-6 дахасида жойлашган умумий майдони 131 кв.м бўлган ХК «Фаррух Жиян» корхонасига қарашли савдо дўкони қўйилмоқда, бош. нархи – 38 300 000 сўм. Аукцион савдолари 2011 йилнинг 3 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Бериш кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Уқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 24 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 2011 йил 24 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очик аукцион савдоларига қўйидагилар қўйилмоқда. Янгийўл тумани СИБ томонидан аукцион савдосига Янгийўл тумани Гулбахор кўргони, «Матлубот-савдо» МЧЖ омиборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такрорий аукцион савдоларига қўйилмоқда: 1. 18.02.2009 йилдаги № 5-96/2009-сон ижро варақасига «Зил-131» русумли 1981 йилда и.ч. дав. рақ. 11Q 4034 бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 264 020 сўм, 2. 27.10.2008 йилдаги қарорига асосан «УАЗ-452» русумли 1961 йилда и.ч. дав. рақ.

11L 6686 бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 878 945 сўм, 3. 09.04.2009 йилдаги қарорига асосан «УАЗ» русумли и.ч. йили номаълум дав. рақ. йўқ бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 696 705 сўм. 4. 19.12.2008 йилдаги қарорига асосан «УАЗ-Б» русумли 1979 йилда и.ч. дав. рақ. 11А 2595 бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 350 436 сўм, 5. 10.12.2008 йилдаги қарорига асосан «УАЗ-469» русумли 1984 йилда и.ч. дав. рақамисиз бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 271 626 сўм, 6. 26.05.2009 йилдаги қарорига асосан «УАЗ-3303» русумли 1984 йилда и.ч. дав. рақ. 30S 3822 бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 733 304 сўм, 7. 27.02.2009 йилдаги № 2-119-сон ижро варақасига асосан «ГАЗ-33021» русумли 2000 йилда и.ч. дав. рақ. ХГ611SLM бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 6 828 859 сўм, 8. 10.04.2009 йилдаги ижро варақасига асосан «2-ПТС-4» русумли и.ч. йили номаълум дав. рақамисиз бўлган қизил рангли тиркама воситаси, бош. нархи – 473 267 сўм, 9. 15.11.2009 йилдаги № 5-1417-сон ижро варақ. асосан ишлаб чиқарилган йили номаълум дав. белгисиз бўлган «GAZ 322130» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 6 003 589 сўм, 10. «ТТЗ-80-10» русумли 2002 йилда ишлаб чиқарилган, яшил рангли, дав. рақ. 5215-EP бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 6 461 273 сўм; 11. «ГАЗ 2411» русумли 1991 йилда ишлаб чиқарилган дав. рақ. 11AB 653 бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 212 431 сўм; 12. «ГАЗ-270500» русумли 1996 йилда ишлаб чиқарилган дав. рақ. 11AA 065 бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 7 790 828 сўм; Чиноз тумани СИБ томонидан аукцион савдосига Кибрай тумани «Аргин Савдо» ва «Чиноз Матлубот Инвест» омиборларида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари аукцион савдоларига қўйилмоқда: 1. 16.10.2008 йилдаги № 1-237/2008 – сон ижро варақасига 1980 йилда и.ч., дав. бел. 30 T

1597 бўлган «КАМАЗ-5320» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 6 571 071 сўм, Чиноз тумани СИБ томонидан 2010 йил 23 июнда кучга кирган № 2-42/2010-сон ижро варақасига асосан Тошкент тумани, Чиноз тумани, Янги Чиноз кўргони 6-мактаб ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт мулк воситалари қўйилмоқда: 1. ZOOMLION QY30V русумли, давлат рақами 10 124 BAA бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 321 743 178 сўм, 2. Экскаватор «JONYANG» русумли, «JYL-210E» модели, давлат рақами йўқ бўлган экскаватор воситаси, бош. нархи 174 031 652 сўм. Аукцион савдосига Чиноз тумани СИБ томонидан 1.03.09.2010 йилдаги № 8665-сон ижро ҳужжатига асосан Чиноз Матлубот Инвест омиборида сақланаётган 1991 йилда и.ч. дав. белгисиз бўлган «Трактор Т-28 МС» русумли трактор воситаси, бош. нархи – 4 088 052 сўм. 2. 1991 йилда и.ч. дав. белгисиз бўлган «ПТС-4-793» русумли трактор тиркамаси, бош. нархи – 1 947 033 сўм. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк»нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрозилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кишошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. Муурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: DB 001 №000003

Фан

ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

Ўзбекистонни барқарор равишда сув билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган изланишлар Ўзбекистон Фанлар академияси сув муаммолари институти нуфузини янада оширди. Шу йўналишдаги услубий ишланмалар ҳам амалиётга татбиқ қилинди.

Сув сифатини баҳолашнинг мажмуавий услуби яратилди. «Атроф-муҳит ва саломатлик» мавзусига бағишланган халқаро анжуманда институт олимлари тадқиқотлари ижобий баҳо олдди. Ушбу нуфузли тадқиқот асосида гидроэкология соҳасида эришилган натижалар олий даражада баҳоланди.

ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШ

Экологияга зарар етказмайдиган самарали механизм ва ускуналарни яратиш кун тартибидидаги долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шамол кучи, кўёш нури каби манбалардан электр энергияси ҳосил қилиш йўналиши Ўзбекистон Фанлар академияси мутахассис олимлари изланишларнинг асосига айланиб қолди. Ерининг табиий ҳароратидан фойдаланган ҳолда иссиқлик ва электр энергияси ҳосил қилишда физика фанининг геотермс қурилмаси қўл келмоқда. Шунингдек, кўёш нурининг наноэрозачили вагонли ускуналарига эса энергияни йиғувчи ва сақловчи аккумулятор вазифасини ўтамоқда.

Бу каби тадқиқотларни чуқурлаштириш учун физика-техника институти олимлари навбатдаги истиқболли илмий йўналишга қўл урди.

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР

Замонавий информацион технологиялар илмий-тадқиқот институтида кибернетиканинг бир қатор йўналишлари устида самарали изланишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, кенг қамровли масалаларни сонли-аналитик ечиш усулларини тадқиқ қилишда эришилаётган ютуқлар ҳам ижобий баҳоланмоқда.

Илмий муассасада яна қатор йирик тадқиқотларга қўл урилди.

Ақбар АЛИЕВ

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда

СИЗ – ТАДБИРКОРЛАР ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнгироқ қилишингиз мумкин («007» қисқа рақамига қўнгироқ фақат туман ва шаҳар АТС рақамларидан амалга оширилади)

Table with 3 columns: No., Prosecutor's Office, and Emergency Phone Numbers. It lists various regional and city prosecutor's offices and their corresponding emergency phone numbers.

Бундан ташқари барча туман ва шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингизнинг тежорлик билан ҲИМОЯ қилиниши таъминланади. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Тошкент оқшоми» газетасининг 07.01.2011 йилдаги 5-сонда чоп этилган хабарнома билан «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖнинг аукцион савдоларига аукцион савдосига чиқарилган Миробод туман Кўйлик-1 дахаси, 16-А-уйда жойлашган 1 қаватли бино аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз. Савдодан олишга асос: Миробод тумани СИБнинг 28.01.2011 йилдаги 13471/22-сонли хати. Манзиллими: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

**Президентимиз Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузаларида фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг амалдаги мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.**

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгашининг мажлисида давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузаларидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар атрофида муҳокама этилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбобоева Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган барча ислохотлар юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган концепция ва 2011 йил учун белгилаб берилган устувор йўналишлар қасаба уюшмалари фаолиятини ҳам янги асосда ташкил этишда муҳим ўрин тутади.

Айни кунда Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси таркибидан 35800 га яқин бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг меҳнатга доир ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, қам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, ёш авлоднинг соғломлаштириш каби муҳим жиҳатлар мазкур жамоат ташкилоти фаолиятининг асосий йўналишларидадир.

Ийгилишда қасаба уюшмалари фаолиятини янги ёндашувлар асосида ривожлантириш, бунда фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, жамоа ва меҳнат шартномалари шартларининг тўлиқ бажарилишини таъминлашга оид ишларни бугунги давр талаби асосида ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хусусан, қасаначиликни янада ривожлантириш, янги иш ўринлари барпо этиш, касб-хунар коллежлари ўқувчиларини иш билан таъминлашга қўмаклашиш, болаларни ёзги оромоқхларда соғломлаштириш жараёнида маънавий-маърифий ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш каби муҳим масалалар юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## Ички ишлар вазирлиги академиясида инсон ҳуқуқлари ресурс маркази иш бошлади.

### ЯНГИ РЕСУРС МАРКАЗИ

Мамлакатимизда инсон эркинлиги, унинг ҳақ-ҳуқуқи олий қадрият ҳисобланиб, уни таъминлаш мустақил демократик жамиятимизнинг устувор вазифаларидан биридир. Чунки, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, унинг манфаатлари етакчи маслаҳат айланиб бораётган ҳалқ фаровон яшайди.

ИИВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар, Ташқи ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Олий ўқув курслари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар маҳкамаси олиштириш маркази, юридик олий таълим ташкилотларининг халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраларининг вакиллари қатнашган тақдимот маросимида марказнинг ташкил этилишини кўзланган мақсад, унинг олдидан турган муҳим вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Ресурс марказининг ташкил этилиши таълим муассасасида инсон ҳуқуқлари бўйича фаолларни ўқитиш, ўқув жараёнининг ахборот базасини кучайтириш баробарида кафедра ходимлари томонидан халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий тадқиқотлар, экспорт баҳолашни амалга оширишни янги сифат даражасига кўтариш имконини беради, — дейди Академиянинг Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси бошлиғи ўринбосари Акмал Ниёзов. — Бу

ерда инсон ҳуқуқларига оид барча меъёрий ҳужжатлар ва шунга оид жами маълумотлар чип, электрон шаклдаги адабиётларда муҳасса бўлган. Марказда инсон ҳуқуқлари бўйича кенг ахборот базасига асосланган янги педагогик технологиялардан фойдаланиб турли хил машғулотлар, семинар-тренинглалар ўтказилади. Бу ерда Жазони ижро этиш бош бошқармаси, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш хизматлари вакиллари, тергов ва оператив ходимлар билан бир қаторда, Академияда малака ошираётган бошқа тоифадаги ходимлар ҳам соҳага оид ўз билим ва таҷрибасини оширади. Жойлардаги ходимлар билан алоқаларни янада мустақамлаш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида марказда Инсон ҳуқуқлари ресурс марказининг махсус сайтини очиш режалаштирилган.

Тақдимот иштирокчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар, ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қонунчилик базасини янада такомиллаштириш юзасидан ходимларни ўқитиш ва эгаллаган билимларини тарғиб қилиш масалалари бўйича ўзаро таъриба алмашдилар.

Наргиза АСАДОВА,  
"Туркистон-пресс"

## Спорт янгиликлари

### СПОРТЧИЛАРИМИЗ ҚИШКИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА ҚАТНАШАДИ

**Жорий йилнинг 30 январь – 6 февраль кунлари Қозоғистонда ўтказилаётган VII қишқи Осиё ўйинларида спортнинг уч тури – тоғ чангиси, биатлон ва фигурали учиш бўйича саккиз спортчимиз мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.**

Спортчиларимиз илк бор 1996 йилда Хитойнинг Харбин шаҳрида ташкил этилган III қишқи Осиё ўйинларида қатнашиб, фигурали учишда Татьяна Малинина кумуш, фристайл бўйича Сергей Бренер бронза медалга сазовор бўлди. Татьяна Малинина Жанубий Корейнинг Канг-Вон шаҳрида ўтказилган IV қишқи Осиё ўйинларида олтин медални қўлга киритди. Фигурали учиш бўйича яққалик беллашувларида Роман Скорняков кумуш, жуфтлик баҳсларида Наталья Пономарева ва Евгений Свиридов дуэти бронза медал билан тақдирланди.

38 килограммгача ва энг оғир вазнда Бухоро вилояти вакили Алишер Абдуллаев ҳамда жиззахлик Бахтиёр Усаиновдан ташқари қолган вазн тоифаларида Ихтиёр Мирзоатов, Ислон Аҳмаджонов, Элёр Бахтиёров, Шоҳрух Абдуҳамидов, Евгений Шербаков каби шаҳримиз вакиллари хурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Қизлар ўртасида шаҳримиздаги 308-мактаб ўқувчиси Шодия Турсунбоева катта маҳорат кўрсатгани ҳолда рақиблари устидан кетма-кет галаба қозониб, голиблар сафини бошқарди.

Турнирнинг барча голиб ва совриндорларига медаллар, дипломлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

И.ДИЛШОДОВ  
Алексей Попов олган сурат

## ЎСМИРЛАР БАҲС ЮРИТДИ

**«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида 1998 йилда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида самбо бўйича республика турнири бўлиб ўтди.**

Мусобақада шаҳримиз ҳамда республикамизнинг ўрта вилоятидан 16 та жамоага жамланган 150 га яқин ёш кураш усталари иштирок этишди. Улар 29 килограммдан 57 ва ундан ортқ вазн тоифаларида галаба учун кураш олиб боришди.

Айниқса, 45 килограммгача вазнда кизиқарли кураш кечди. Бунда кўпчилик муҳлис ҳамда мутахассислар республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларнинг бир неча бор голиби бўлган хамшаҳримиз Евгений Тураповнинг галаба қозонишини кутишганди. Барча урашувларни катта маҳорат билан ўтказган Турапов мухлислари ишончини оқлагани ҳолда олтин нишонни қўлга киритди. Унинг жамоадоши Александр Мохов ҳам 41 килограммлик ўртасида турнир голиби бўлди.



Турнирнинг барча голиб ва совриндорларига медаллар, дипломлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

И.ДИЛШОДОВ  
Алексей Попов олган сурат

## «02»

### ҚОРОНГИДА ТОПИШАНЛАР

1982 йилда туғилган У.Дилшод ва унинг тенгдоши А.Анварлар пойтахтда топишиб қолганлардан. Уларнинг тез орада дўстлашиб кетишига битта муҳим омил сабабчи — у ҳам бўлса бели оғирмай пул топиш, қандай йўл билан бўлса-да бировларнинг бойлигини, мол-мулкни қўлга киритиш истаги эди. Шу сабабли бу «қоронғида топишган» жуфтлик ўғрилиқ орқали ўз нафсларини қондиришга аҳд қилишди ва биргаликда «иш» бошлашди.

Кейинчалик аниқлинишича, Дилшод ва Анвар асосан пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида «фаолият» олиб боришган. Жумладан, улар шу туманда яшовчи фуқаро Р.Михеевнинг уйига дераза панжарасини бузиш йўли билан кириб, унинг жами 1.800.000 сўмлик турли буюмларни ўғрилаб кетишган. Осонлик билан қўлга киритилган буюмларни эса Ҳамдам исми танишларига пуллашган.

Бу икки «шоввоз» ушбу туманда истиқомат қилувчи ўй бекаси М.Эрматовнинг уйига ҳам худди шу йўл билан «ташир буюришган» экан. У

ерда ўғрилар ўйлаганчалик қимматбаҳо буюмлар, тилла тақинчоқлар топилмаган бўлса-да, улар куруқ қайтишмаган. Уй бекасининг 300.000 сўмлик уй-рўзгор буюмларини ўғриб кетишган ва Даврон исми танишларига сотиб юборишган.

Аммо жабранувчиларнинг аризалари бўйича иш олиб борган Жиноят қидирув бўлими ходимлари тез орада «олғир» йигитларнинг йўлини тўсишди. Анвар ва Дилшод аниқ далиллар олдидан айбларини бўйнига олишга мажбур бўлишган, энди эса уларнинг бошқа шундай «иш»ларини терговда аниқлаштириш қолган.

## СУВГА ПУЛ ЙИҒИБ...

Шайхонтоҳур туманида яшовчи кўпчилик фуқаролар яқинда «қизик» ҳолатга дуч келишди. Улар совуқ сувдан фойдаланганликлари учун пуллари тўлаб келишадиган бўлса-да, «Сувсоз» корхонаси ходими уларнинг тўламаганлигини айтиб, пул талаб қиларди.

Битта-иккита хонадон бўлсаку, корхона ходимлари адашишганлигини тахмин қилиш мумкин, аммо барча бир овоздан яқиндагина бошқа бир ходим келиб, тўловларни қабул қилиб кетганлигини айтди.

«Сувсоз» корхонаси вакили бу масалани раҳбариятга етказди, аммо фуқароларнинг тасвирлаганидек киши уларда умуман ишламаслиги маълум бўлди. Ишга ички ишлар идоралари ходимларини жалб этишга тўғри келди. Улар эса

вазиятни тезда тўғри баҳолашди. Маълум бўлишича, сафар қилиб юрган киши «Сувсоз» ходими эмас, балки қалбаки гувоҳнома билан юрган фирибгар экан.

Шу тарихда туман фуқаролари ҳамда «Сувсоз» корхонаси вакиллари аризасига кўра қидирув ишлари бошлаб юборилди ва гумондор ҳам тезда қўлга олинди. Аниқлинишича, у Тошкент вилоятида яшовчи Қ.Равшан бўлиб, кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларни чув ту-

шириб, жами 400 минг сўмга яқин пуллари олиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган экан. Эндиликда қалбаки гувоҳномали сохта ходим терговчининг олдидан бош эгиб ўтирибди, балки у яна қайси бир идора ходими сифатида ҳам «фаолият юритган»дир? Бу албатта, терговда ойдинлашди.

Юлдуз АШИРОВА,  
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати бўлими ходими, майор



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

### МАҚТАНЧОҚЛИК ВА МАНМАНЛИК ҲАҚИДА

Мақтанганинг уйига бор, Керилганинг тўйига бор!

Мақтанма гоз, хунаринг оз!

Номи — улуг, супраси — куруқ.

Нонни катта тишласанг ҳам, Гапни катта гапирма!

Нарвонга чиқсанг, шошмай чиқ, Ўз хаддингдан ошмай чиқ!

Оғзи каттани уйда сина, Нафси ёмонни тўйида сина!

Сен ўзингни мақтама, Сени бировлар мактасин!

Сўзи сўзга ўхшамас, Оғзи сўздан бўшамас.

Той қанча чопган билан от бўлолмайди.

Куруқ савлатдан куруқ сават яхши.

Ҳали хомсан, пишарсан, Бу даминдан тушарсан.

Айбини яширган ўнгмас.

Бадфёэлинг бети қора.

Безоридан ҳамма безор.

Бекорчидан бемаза гап чиқар.

Бели оғримаганинг нон ейишини кўр!

Бемаза қовуннинг уруғи кўп.

Бетамизда бет бўлмас, Безоридан уят бўлмас.

Бирники мингга татийди, Мингники — туманга.

Гап десанг, қоп-қоп, Иш десанг, Самарқанддан топ.

Гапи тўмтоқнинг ўзи тўмтоқ.

Дангасанинг иши битмас, Ёз келса ҳам, қиши битмас.

Дили қинғирнинг тили қинғир.

Дили қоранинг қилмиши қийқлик.

Дилдордан ҳамма безор.

Ёз ёмғири лой бўлмас, Ўғри асло бой бўлмас.

Ёлгончининг рост сўзи ҳам ёлгон бўлар (Давоми бор)



Тошкент шаҳрида 2 февраль куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Шарқдан 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража илқ, кундузи — 14-16 даража илқ бўлади.

Тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-8 даража илқ, кундузи 13-15 даража илқ.



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**  
Манзили: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.  
Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
481 нусхада босилади.  
Қозғоғи бўлими: А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефони билан мурожаат қилишигиз мумкин.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланган.  
«Шорк» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
**1 2 3**  
Топширилган вақти: 15 55